



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Каримова Мавжуда Боходировна

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси,
НамМТИ, mavjudakarimova2@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7439802>

ARTICLE INFO

Received: 06th December 2022

Accepted: 14th December 2022

Online: 15th December 2022

KEY WORDS

Асосий воситалар
рентабеллиги, пул
оқимлари, асосий
воситаларни туркумларга
ажратиш ва баҳолаш,
хўжаликдан чиқариш ҳисоби,
солиштириш усули.

ABSTRACT

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг турли мулкчилик шаклидаги субъектлар, яъни мулк эгалари пайдо бўла бошлади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунда мулкдорлар олдида турган вазифа мулкнинг даҳлсизлигини сақлаш ва уни янада кўпайтириб боришдир.

Кириш. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг турли мулкчилик шаклидаги субъектлар, яъни мулк эгалари пайдо бўла бошлади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунда мулкдорлар олдида турган вазифа мулкнинг даҳлсизлигини сақлаш ва уни янада кўпайтириб боришдир. Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида улар фаолияти мўътадиллиги таъминлашнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар фаолияти давомида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланишлари

ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолашда рентабеллик кўрсаткичини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Фикримизча, рентабеллик хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, фаолият самарадорлигини тавсифлаб беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият самарадорлигига баҳо бериш юзасидан қатор рентабеллик кўрсаткичлари баҳоланади. Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблашда энг асосий эътибор қаратадиган омил хўжалик юритувчи субъект фойдаси ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият самарадорлигини баҳолашда фойда муҳим кўрсаткичдир.



Фойда хўжалик юритувчи субъект фаолиятида муҳим категория бўлиб, хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарор бўлиши учун, энг аввало, у тегишли фойдага эришиши муҳимдир. Шунингдек, рентабеллик кўрсаткичлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятида бир қанча функцияларни бажаради, жумладан, маблағларни қоплаш даражасини, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштираштиришни таъминлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши жараёнида корхоналарда асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби билан боғлиқ масалалар иқтисодчиларимиз Д. Ғозибеков, А. А. Ваҳобов, И. Абдукаримов, М. Пардаев, Б. Исроилов, О. Собиров, А. Мўминов, О. Қулжонов, Ғ. Набиев, М. Марпатов, А. Каримов, Ф. Ғуломова, И. Завалишина. З. Маматов, О. Бобожонов, М. Умарова, А. Пардаев, Э. Ғадоев, Н. Ҳасанов, Л. Югай, Л. Ким, А. Ванюшина ва бошқа бир қатор иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинган. Ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни қўллаш масалалари эса Д. Тожибаева, Н. Сайидахмедов, Н. Азизхўжаева каби олимлар томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

5-сонли БҲМСнинг мазмуни ва унда асосий воситалар кириб келишининг ҳисобини ёритиб беришда, асосий воситалар чиқиб кетишининг ҳисоби юритилиши жараёнларини кўрсатиб беришда, янги педагогик технологиялар, интерфаол стратегиялар ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш, маъруза машғулотлари ва амалий машғулотларда интерфаол стратегияларни қўллашда балиқ скелети, кластер усуллари, ҳисоблаш, солиштириш усуллари тизимли ёндашув асосида таҳлил ва синтез усуллари асосида ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар

Рентабеллик кўрсаткичлари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият натижаси самарали ёки самарасизлигини аниқлаш имконини беради (1-жадвал).

“GLOBAL TEXTILE SOLUTIONS” маъсулияти чекланган жамияти рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилида маҳсулот сотиш рентабеллиги ялпи фойдага нисбатан қолган рентабеллик кўрсаткичлари соф фойдага нисбатан аниқланган.



1-жадвал

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили¹

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши	
				фарқи (+,-)	ўсиш суръати%
А	1	2	3	4	5
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум, минг сўм	Ш.2, 010	88939539	74285523	-14654016	-16,48
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	Ш.2, 020	70101306	57543197	-12558109	-17,91
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	Ш.2, 030	18838233	16742326	-2095907	-11,13
Соф фойда, минг сўм	Ш.2, 270	5592995	5004345	-588650	-10,52
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	Ш.1, 012	39606443	30970415	-8636028	-21,80
Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Ш.1, 390	86279077	11173102 5	25451948	29,50
Жами мулк қиймати, минг сўм	Ш.1, 400	132870839	19614932 3	63278484	47,62
Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	Ш.1, 480	103217188	10820561 8	4988430	4,83
Қарз маблағлари, минг сўм	Ш.1, 770	29653651	87943705	58290054	196,57
Рентабеллик турлари					
Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	$3/1*100$	21,18	22,54	1,36	6,41
Асосий воситалар рентабеллиги, %	$4/5*100$	14,12	16,16	2,04	14,43
Оборот маблағлари рентабеллиги, %	$4/6*100$	6,48	4,48	-2,00	-30,91
Мол-мулк рентабеллиги, %	$4/7*100$	4,21	2,55	-1,66	-39,39
Ўз маблағлари рентабеллиги, %	$4/8*100$	5,42	4,62	-0,79	-14,65
Қарз маблағлари рентабеллиги, %	$4/9*100$	18,86	5,69	-13,17	-69,83
Умумий рентабеллик, %	$4/(5+6)*100$	4,44	3,51	-0,94	-21,07
Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %	$4/2*100$	7,98	8,70	0,72	9,00

¹ “GLOBAL TEXTILE SOLUTIONS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



Соф фойдага нисбатан аниқланган рентабеллик кўрсаткичларида меъёр даражаси энг қуйи чегараси инфляция даражаси ҳисобланади. Ўтган йил инфляция даражасини 14,4% фоиз қилиб белгиланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айрим рентабеллик кўрсаткичлари инфляция даражасидан пастлигини кўришимиз мумкин. Маҳсулот сотиш рентабеллиги ўтган йили 21,18 фоизни, ҳисобот йилида эса 22,54 фоизни ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 6,41 фоизга ўсганлиги ижобий ҳолатдир.

Асосий воситалар рентабеллигининг ҳисобот йили кўрсаткичи ва қарз маблағлари рентабеллигининг ўтган йили кўрсаткичи инфляция даражасидан юқорилигини кўришимиз мумкин. Қолган барча рентабеллик кўрсаткичларнинг инфляция даражасидан пастлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, мол-мулк рентабеллиги ўтган йили 4,21 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилида эса

2,55 фоизни ташкил этганлиги ва ўтган йилга нисбатан 39,39 фоизга камайганлиги хўжалик юритувчи субъект мол-мулки жуда паст самара келтираётганлигини кўришимиз мумкин.

Пул оқимларининг фаолият турлари бўйича кирими унинг ҳақиқий имкониятини белгилаб беради. Пул оқимларининг фаолият турлари бўйича чиқимига қараб, хўжалик юритувчи субъектнинг келгусидаги имкониятини прогностлаш мумкин.

Пул оқимларини таҳлил қилишда фаолият турлари бўйича пул оқимлари кирими ва чиқими, соф кирим ва чиқимлари ўзгариши ва салмоғига баҳо берилади (2-жадвал).

“GLOBAL TEXTILE SOLUTIONS” МЧЖ пул оқимларини фаолият турлари бўйича таҳлилида жорий даврда жами пул кирими 21912396,3 минг сўмни, пул чиқими эса 20599168,3 минг сўмни ташкил этган.

2-жадвал

Пул оқимларини фаолият турлари бўйича таҳлили²

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кирим	Салмо - ғи %	Чиқим	Салмо - ғи %
1	2	3	4	5	6
Операцион фаолият					
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	84338637	100,0		
Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020			72670436	96,8
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030			987320	1,3
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлар ва тўловлари	040			1452310	1,9
Операцион фаолиятдан жами пул кирими/чиқими (сатр.010+020+030+040)	ОФЖ	84338637	100,0	75110066	100,0

² “GLOBAL TEXTILE SOLUTIONS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



Операцион фаолиятнинг соф пул кирими / чиқими (сатр. 010-020-030+/-040)	050	9228571,0	10,9		
Инвестиция фаолияти					
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060			1825681	48,9
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070				
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080			1907133	51,1
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	090				
Инвестицион фаолиятдан жами пул кирими/чиқими (сатр.060+070+080+090)	ИФЖ			3732814	100,0
Инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр.060+/-070+/-080+/-090)	100			3732814	100,0
Молиявий фаолият					
Олинган ва тўланган фоизлар	110			589542	1,6
Олинган ва тўланган дивидентлар	120				
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари	130				
Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари	140				
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари	150	32519628,0	100,0	36335660	98,4
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари	160				
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	170				
Молиявий фаолиятдан жами пул кирими/чиқими(сатр.110+120+130+140+150+160+170)	МФЖ	32519628,0	100,0	36925202	100,0
Молиявий фаолиятнинг соф пул кирим/чиқим (сатр.110+/-120+130-140+/-150+/-160+/-170)	180			4405574,0	11,9
Солиққа тортиш					
Тўланган даромад (фойда) солиғи	190			680142,0	60,0
Тўланган бошқа солиқлар	200			453621,0	40,0
Жами: тўланган солиқлар (сатр.190+200)	210			1133763,0	100,0
Молиявий-хўжалик фаолиятининг жами пул кирими/чиқими (ОФЖ+ИФЖ+МФЖ+210 сатр)	МХФЖ	116858265	100,0	116901845	100,0
Жами: молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими/чиқими (сатр.050+/-100+/-180-210)	220		0,0	43580,0	
Йил бошидаги пул маблағлари	230	301617,0	0,3		
Йил охиридаги пул маблағлари	240	258037,0	0,2		



Фаолият турлари бўйича операцион фаолиятдан пул кирими 84338637,0 минг сўмни, пул чиқими эса 75110066,0 минг сўмни ташкил этиб, соф пул кирими 9228571,0 минг сўмни ташкил этди. Инвестиция фаолияти бўйича кирим мавжуд эмас, фақат 3732814,0 минг сўм пул чиқими амалга оширилган. Жами соф кирим 1313228,0 минг сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса чиқимга нисбатан киримни юқорилигини билдиради.

Хулоса ва таклифлар. Жамият тараққиёти бевосита унинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан белгиланиши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз ривожланишининг асосий элементлари - корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятида намоён бўлади.

Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазибаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тугаб туриладиган моддий активлар. Асосий воситалар - ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини назарда тутиш керак.

Асосий воситалар бажарадиган вазибаларга кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

5-сонли «Асосий воситалар» номли БҲМС га мувофиқ корхона ихтиёрига келиб тушадиган асосий воситалар объектнинг қиймати корхона балансига киритилади.

Асосий воситалар кўпинча барча активларни асосий қисмини ташкил қилади, шунинг учун унинг молиявий ҳолатини тақдим этишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, сарфларни актив ёки харажат сифатида тавсифлаш, корхона томонидан тақдим этилаётган фаолият натижаларига муҳим равишда таъсир этиши мумкин.

Асосий воситалар объекти тан олишнинг биринчи шартига жавоб берадиган тақдирда корхона дастлабки тан олиш вақтига мавжуд далиллар асосида, актив билан боғлиқ бўлган келгуси иқтисодий нафни олишининг эҳтимоллик даражасини баҳолаши керак. Ушбу иқтисодий нафларни олиш эҳтимоли юқори бўлганда корхона актив билан боғлиқ манфаатларни ва таваккалчиликларни ўз зиммасига олиши аниқ бўлишини талаб этади. Бундай аниқлик ушбу манфаатлар ва таваккалчиликлар корхонага ўтгандагина мавжуд бўлади. Ушбу вақтга қадар активни олиш билан боғлиқ операция аҳамиятли бўлмаган



жарима чоралари билан бекор баҳолашда асосий воситалар қилиниши мумкин, шунинг учун актив рентабеллик кўрсаткичини ўрганиш тан олинмайди. Хўжалик юритувчи муҳим бўлиб, у фаолият субъектларнинг фаолиятини таҳлил самарадорлигини тавсифлаб беради. қилиш ва унинг натижалари асосида

References:

1. Алимардонов И.М. “Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш” Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Т.: 2018. 18-бет;
2. Алимарданов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил. 5-бет.
3. Выскребенцева А. С. Анализ количественных и качественных составляющих кредитоспособности предприятия. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Н.: 2008. 10 с.
4. Глуценко.В.В. Анализ процедур оценки кредитоспособности заемщика коммерческого банка. Автореф. дисс. ... к.э.н. – М.: 2015. 17 с.
5. Зайко А.Г. Коэффициентный анализ денежных потоков предприятия нергетического машиностроения // Интернет-журнал «Науковедение» Том 9, №2 (2017) <http://naukovedenie.ru/PDF/04EVN217.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. с. 4-8.
6. Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти, 2005 йил, 292-бет.
7. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.
8. Abduvaxidov F.T., Qo'ziyev I.N., Dadabayev Sh.X. Buxgalteriya hisobi. Darslik. -Т.: TDIU, 2019. – 403 b.
9. Norbekov D., Misirov K., Tashmanov G'. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b.
10. Jo'raev N., Abduvaxidov F., Sotivoldieva D. Moliyaviy va boshkaruv hisobi. Darslik. -Т.: “Iqtisod –moliya” nashriyoti, 2012 y, 481bet
11. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition.
12. Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accountingtheory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. М.: Финансы и статистика, 2011.-576 с.
13. <http://www.ref.uz>.
14. <http://www.saldo.ru>.
15. www.inter-pedagogika.ru
16. <http://www.iaa.org.uk>
17. <http://www.ziyonet.uz>.
18. www.stat.uz маълумотлари.